

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
ADLIYA VAZIRLIGIDA  
DAVLAT RO'YXATIDAN OTKAZILDI  
RO'YXAT RAQAMI: 3194  
2019 yil 8 noyabr



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚҮМИТАСИННИГ  
ҚАРОРИ

Автомобилда амалга оширилаётган халқаро юк ташиш турини  
белгилаш мезонлари ва тартибини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 мартағи ПҚ-4230-сон “Юк ва йўловчи ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 мартағи 202-сон “Автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси қарор қиласди:

1. Автомобилда амалга оширилаётган халқаро юк ташиш турини белгилаш мезонлари ва тартиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Транспорт вазири

А. Раматов

Тошкент ш.,  
2019 йил “31” октябрь,  
6 -сон

Давлат божхона  
қўмитаси раиси

М. Азимов

Тошкент ш.,  
2019 йил “31” октябрь,  
01-02/12-61 -сон

Ўзбекистон Республикаси  
Транспорт вазирлиги  
ва Давлат божхона қўмитасининг  
2019 йил 31 октябрдаги  
6, 01-02/12-61-сон қарорига  
ИЛОВА

**Автомобилда амалга оширилаётган  
халқаро юк ташиш турини белгилаш  
МЕЗОНЛАРИ ВА ТАРТИБИ**

Мазкур хужжат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 мартдаги ПҚ-4230-сон “Юк ва йўловчи ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 марта 202-сон “Автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишни янада тартибга солиши чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ автотранспорт воситасида амалга оширилаётган халқаро юк ташиш турини белгилаш мезонлари ва тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур хужжатда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**юкларни халқаро ташиш** – икки ёки ундан ортиқ давлатлар худудлари бўйлаб автомобиль транспортида юк ташиш, шунингдек юксиз автотранспорт воситасининг икки ёки ундан ортиқ давлатлар худуди бўйлаб ўтиши;

**миллий ташувчи** – Ўзбекистон Республикаси худудида рўйхатга олинган, мулк хукуқи билан ёки бошқа қонуний асосларда унга тегишли автотранспорт воситасида юкларни халқаро ташишда фойдаланувчи ва бунга маҳсус рухсатномага (лицензияга) эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

**хорижий ташувчи** – хорижий давлат худудида рўйхатга олинган, мулк хукуқи билан ёки бошқа қонуний асосларда унга тегишли автотранспорт воситасидан юкларни халқаро ташишда фойдаланувчи юридик ёки жисмоний шахс;

**халқаро товар-транспорт юхати** (бундан бўён матнда юхати деб юритилади) – халқаро йўлларда юкларни ташиш шартномаси тўғрисидаги Конвенцияда назарда тутилган, шу жумладан, ташилаётган юк, унинг жўнатувчиси ва қабул қилувчиси, ташувчиси ва ташувни амалга оширувчи автотранспорт воситаси тўғрисида, шунингдек уни ортиш ва тушириш жойлари ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлган хужжат;



**Ўзбекистон рухсатномаси** – хорижий ташувчига тегишли автотранспорт воситасининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ўтишига бир марталик рухсатнома.

2. Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларида, шунингдек ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва тамойилларида мазкур хужжатда белгиланганидан кўра бошқача қоидалар назарда тутилган бўлса, ҳалқаро шартномалар қоидалари ёки ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва тамойиллари кўлланилади.

## **2-боб. Юкларни ҳалқаро ташиш турлари ва уларни белгилаш**

3. Юкларни ҳалқаро ташишда қўйидагилар икки томонлама ташишлар деб эътироф этилади:

а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига хорижий давлат ҳудудидан хорижий ташувчига тегишли автотранспорт воситасида юк ташиш амалга оширилишида юкхатига мувофиқ юкни жўнатувчининг давлати, юкхати расмийлаштирилган давлат, автотранспорт воситасига юк ортилган давлат, хорижий ташувчи ва автотранспорт воситаси рўйхатдан ўтган давлат айнан бир давлат ҳисобланиб, автотранспорт воситасидан юк тушириладиган давлат эса, Ўзбекистон Республикаси бўлган ҳолларда;

б) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан хорижий давлат ҳудудига хорижий ташувчига тегишли автотранспорт воситасида юк ташиш амалга оширилишида юкхатига мувофиқ юкни жўнатувчининг давлати, юкхати расмийлаштирилган давлат ва автотранспорт воситасига юк ортилган давлат Ўзбекистон Республикаси ҳисобланиб, автотранспорт воситасидан юк тушириладиган давлат, хорижий ташувчи ва автотранспорт воситаси рўйхатдан ўтган давлат айнан бир давлат бўлган ҳолларда;

в) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига хорижий давлат ҳудудидан миллий ташувчига тегишли автотранспорт воситасида юк ташиш амалга оширилишида юкхатига мувофиқ юкни жўнатувчининг давлати, юкхати расмийлаштирилган давлат, автотранспорт воситасига юк ортилган давлат хорижий давлат ҳисобланиб, автотранспорт воситасидан юк тушириладиган давлат эса, Ўзбекистон Республикаси бўлган ҳолларда;

г) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан хорижий давлат ҳудудига миллий ташувчига тегишли автотранспорт воситасида юк ташиш амалга оширилишида юкхатига мувофиқ юкни жўнатувчининг давлати, юкхати расмийлаштирилган давлат ва автотранспорт воситасига юк ортилган давлат Ўзбекистон Республикаси ҳисобланиб, автотранспорт воситасидан юк тушириладиган давлат эса, хорижий давлат бўлган ҳолларда.

4. Юкларни халқаро ташишда қуидагилар транзит ташишлар деб эътироф этилади:

а) бир хорижий давлат ҳудудидан Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали бошқа хорижий давлат ҳудудига хорижий ташувчига тегишли автотранспорт воситасида транзит тарзда юк ташиш амалга оширилишида юкхатига мувофиқ юкни жўнатувчининг давлати, юкхати расмийлаштирилган давлат, автотранспорт воситасига юк ортилган давлат, юкни қабул қилиб оловчи давлат ҳамда автотранспорт воситасидан юк тушириладиган давлат хорижий давлатлар ҳисобланган ҳолларда;

б) бир хорижий давлат ҳудудидан Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали бошқа хорижий давлат ҳудудига миллий ташувчига тегишли автотранспорт воситасида транзит тарзда юк ташиш амалга оширилишида юкхатига мувофиқ юкни жўнатувчининг давлати, юкхати расмийлаштирилган давлат, автотранспорт воситасига юк ортилган давлат, юкни қабул қилиб оловчи давлат ҳамда автотранспорт воситасидан юк тушириладиган давлат хорижий давлатлар ҳисобланган ҳолларда.

5. Юкларни халқаро ташишда қуидагилар учинчи давлат ҳудудидан ёхуд учинчи давлат ҳудудига ташишлар деб эътироф этилади:

а) бир хорижий давлатнинг юк ташувчиси Ўзбекистон Республикаси ҳудудига бошқа хорижий давлат ҳудудидан юк ташишни амалга оширганда юкхатига мувофиқ юкни жўнатувчининг давлати ҳамда автотранспорт воситасига юк ортилган давлат – хорижий ташувчи ва автотранспорт воситаси рўйхатдан ўтган давлат ҳисобланмаганда, автотранспорт воситасидан юк тушириладиган давлат эса Ўзбекистон Республикаси бўлган ҳолларда;

б) бир хорижий давлатнинг юк ташувчиси Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан бошқа хорижий давлат ҳудудига юк ташишни амалга оширганда юкхатига мувофиқ автотранспорт воситасига юк ортилган давлат Ўзбекистон Республикаси ҳисобланиб, хорижий ташувчи ва автотранспорт воситаси рўйхатдан ўтган давлат – автотранспорт воситасидан юк тушириладиган давлат бўлмаган ҳолларда.

6. Автомобилда халқаро юк ташиш турини белгилаш Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Транспорт вазирлигининг масъул ходимлари (бундан буён матнда масъул ходим деб юритилади) томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 мартағи 202-сон қарори билан тасдиқланган Автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишга рухсатномаларни айирбошлаш квотасини белгилаш, тақсимлаш, бериш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан амалга оширилади.

7. Юк ортилган автотранспорт воситаси ҳайдовчиси томонидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва қонунчилигига мувофиқ автомобилда юкларни халқаро ташишни амалга ошириш учун талаб этиладиган Ўзбекистон рухсатномаси, юкхати ва бошқа хужжатлар масъул ходимга амалга оширилаётган халқаро юк ташишнинг турини белгилаш учун тақдим этилади.

8. Юк ортилган автотранспорт воситаси ҳайдовчиси тақдим этган юкхати, Ўзбекистон рухсатномасида қайд этилган маълумотлар масъул ходим томонидан, зарурат бўлганда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилган ҳолда ўрганилиб, мазкур мезонлар ва тартибга асосан автомобилда амалга оширилаётган халқаро юк ташишнинг тури белгиланади ҳамда шу вақтнинг ўзида тақдим этилган хужжатларга бу ҳақда белги кўйилади.

9. Халқаро юк ташишнинг тури белгиланганидан сўнг, юк автотранспорт воситаси ҳайдовчисига тегишли ҳужжатлар қайтариб берилади.

### **3-боб. Якуний қоида**

10. Мазкур хужжат талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

